

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Й.Солижонов	
Ҳамза Ҳакимзода шеърятда лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни.....	85
Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева	
Хорижлик адабиётшунос олимларнинг жадид адабий меросига муносабати хусусида.....	88
С.Мамаюсупова	
Шукур Холмирзаев ижодида мақол ва матал муносабатлари	91

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Ганиева	
Ўзбек тилидаги феъл фразеологизмларда бўлишли-бўлишсизлик категорияси	95
Ф.Абдурахмонов	
Замонавий рус тилида уч актанти феълларнинг структурали-семантик хусусиятлари.....	98
Д.Газиева	
Матнни функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш.....	103
Н.Аббосова	
Инглиз мақол ва маталларини ўргатишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услублари.....	107
М.Ҳақимова	
Абстракт сўзларнинг синонимия муносабатлари.....	111
Ҳ.Солихўжаева	
Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар хусусида.....	116
Ш.Матназаров	
Ўзбек тилидаги қишлоқ хўжалиги лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши.....	119
Н.Умарова, Н.Абдувалиева	
Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони назмий ва насрий вариантларидаги айрим тафовутлар	122
Ф.Қосимова	
«Тиб қонунлари» (Абу Али Ибн Сино) асарида келтирилган касаллик номлари ва уларнинг ўзбек, инглиз тилларидаги ўзига хос лингвокультурологик жиҳатлари	126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Р.Мамасолиев, Р.Солиев	
Олий таълимда чет тили фанларини ўқитишнинг замонавий асослари	130
Ш.Алимов, М.Нурматова	
Чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш.....	133
Д.Ҳайдарова	
Чет тили дарсларида синфни бошқариш стратегиялари.....	136
З.Бобоева, И.Пўлатов	
Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари	140

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Холдоров, Н.Пўлатов	
Толали материалларни тозалаш агрегати колесникли панжарасининг ишлаб чиқаришдаги синов натижалари ва самарали конструкцияси	143
А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброҳимова	
Математика дарсларида стохастик компетенцияни шакллантириш.....	147
Р.Маджидова	
Оилавий қадриятларни изоҳловчи мақолларнинг аксиологик аҳамияти.....	149
М.Мадаминова	
Абу Райҳон Беруний – адабиётшунос.....	152
М.Юсупова	
Навоий образининг янгича талқини.....	155
Х.Рахматиллаев, С.Соҳибов	
Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши тизимида турли ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар.....	158

УДК: 41+413.19

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФЕЪЛ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРДА БЎЛИШЛИ-БЎЛИШСИЗЛИК
КАТЕГОРИЯСИ**

**КАТЕГОРИЯ ОТРИЦАНИЯ И УТВЕРЖДЕНИЯ В ГЛАГОЛЬНЫХ ФРАЗЕОЛОГИЗМАХ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА**

**CATEGORY OF AFFIRMATION AND NEGATION OF VERBAL PHRASEOLOGISMS IN
THE UZBEK LANGUAGE**

Ш.А.Ганиева

Аннотация

Мақолада феъллардаги бўлишли-бўлишсизлик категориясининг фразеологизмлар орқали намоён бўлиши, фразеологизмлардаги семантик оппозиция ва бўлишсизлик шаклининг фразеологизмлар билан бирикувига доир масалалар кўриб чиқилган.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы проявления категории отрицания и утверждения глаголов во фразеологизмах, семантическая оппозиция фразеологизмов, а также сочетания формы отрицания с фразеологизмами.

Annotation

The article deals with the issues of using the verbal category of affirmation and negation in phraseologisms, semantic opposition of phraseologisms, and the combinations of negative form with phraseological units.

Таянч сўз ва иборалар: категориал маъно, фразеологик-грамматик гуруҳ, лексик ва грамматик маъно, феъл фраземалар, бўлишли-бўлишсизлик оппозицияси, инкор воситалари, таянч компонент.

Ключевые слова и выражения: категориальная сема, фразеолого-грамматическая группа, лексическая и грамматическая сема, глагольные фразеологизмы, оппозиция отрицания и утверждения, средства отрицания, опорный компонент

Keywords and expressions: categorical seme, phraseological-grammatical group, lexical and grammatical seme, verbal phraseologisms, opposition of negation and affirmativeness, maens of negation, main component.

Категориал маъно лексемаларнинг маълум лексик-грамматик гуруҳга мансублигини ифодалаганидек, фразеологизмларнинг ҳам муайян фразеологик-грамматик гуруҳга мансублигига ишора қилиб туради. Масалан, *ич этини ёмоқ* фразеологизми *нима қилмоқ* сўроғига жавоб бўлиб, феъллик хусусиятига эга бўлса, *кўздан қон оққан, вазоҳати хунук, ёғ тушса ялагундек* фразеологизмлари қандай сўроғига жавоб бўлиб, адъектив характер касб этади. Ана шу умумий маъно ва грамматик белги асосида фразеологизмларни от фразеологизмлар, сифат фразеологизмлар, равиш фразеологизмларга таснифлаш мумкин бўлади. Бундан кўринадики, категориал маъно грамматик ва лексик маъно билан узвий боғлиқ бўлган, уларнинг орасида турувчи маънодир.

Категориал маънони лексема семемасида ҳам, фразеологизм семемасида ҳам сигнификатив (тушунчавий) маънодан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Айни пайтда ана шу сигнификатив сема мазкур лексема ва фразеологизмларни маълум лексик-грамматик, фразеологик-грамматик

синфларга бирлаштиришга таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Жумладан, феъл фразеологизмларда фразеологик бирликларнинг феъл компоненти кўпинча категориал маъно кўрсаткичи сифатида хизмат қилиши мумкин. Хусусан, *қўлини чўзмоқ* (“ярашмоқ”), *оёғини узатмоқ* (“оламдан ўтмоқ”) фразеологик бирликларининг феъллик хусусияти фразеологик структуранинг етакчи компоненти бўлган *чўзмоқ* ва *узатмоқ* феъл лексемалари асосида белгиланади.

Тилимизда феъл фразеологизмлар миқдор жиҳатдан салмоқли ўрин эгаллайди. Бу фразеологизмларга феълга хос бўлган грамматик шакллар турли ҳолатда қўшилади. Бу шакллар ўз вазифаси билан бирга турли грамматик ва услубий вазифа бажаради. Баъзи илмий манбаларда ФБларнинг айримлари майл, нисбат, шахс-сон шаклларида чекланганлиги таъкидланади. Масалан, *тарвузи қўлтиғидан тушмоқ, бурнидан эшак қурти ёғилмоқ* каби ФБлар буйруқ майлида кела олмайди [1. С.101-109].

Феъл фразеологизмларнинг бўлишли-бўлишсизлик кўрсаткичлари билан ўзгариши масаласида ўзбек тилшунослигида

Ш.А.Ганиева – ФарДУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Ш.Раҳматуллаевнинг қарашлари мавжуд [2. 32-36-б]. Мазкур мақолада “Феъл фразеологик бирликларнинг тахминан ярми ҳар икки аспектда (ҳам бўлишли аспектда, ҳам бўлишсиз аспектда) кела олади, қолган феъл фразеологик бирликлар эса фақат бир аспектда: ё бўлишли ёки бўлишсиз аспектда кела олади” [2. 32]. Олим феъл фразеологик бирликларни мавжудлик (бўлишли-бўлишсизлик – Ш.Г.) категориясининг аспектларига кўра уч гуруҳга ажратади.

Б.Йўлдошевнинг кўрсатишича, “тилимизда шундай ФБлар борки, фақат

Масалан:

Бўлишли маркерланмаган

бой берди

зое кетди

ён берди

баҳри очилмоқ

ён босмоқ

бўлишли шаклда (*ковушини тўғриламоқ, туёғингни шиқиллат, боши осмонга етди* кабилар), баъзилари фақат бўлишсиз шаклда (*қош кўяман деб, кўз чиқарма каби*) қўлланилади” [3. 41].

Шунга кўра, феъл фразеологизмларни бўлишли-бўлишсизлик оппозициясига кўра, оппозицияга киришадиган ва киришмайдиган фразеологизмларга ажратишимиз мумкин. Оппозицияга киришадиган фразеологизмлар бўлишсизлик шаклига кўра маркерланмаган аъзоларга бўлинади.

Бўлишсиз маркерланган

бой бермади

зое кетмади

ён бермади

баҳри очилмаслик

ён босмаслик

Айрим фразеологизмлар борки, улар бўлишли-бўлишсизлик шаклига кўра оппозицияга киришмайди, фақат бўлишли ёки бўлишсиз шаклда қўлланилади. Масалан:

Бўлишли шакл	Бўлишсиз шакл
<i>дунёга келди</i>	-
-	<i>етти ухлаб тушига кирмаган (етти ухлаб тушида кўрмаган)</i>
-	<i>боши чиқмади</i>
-	<i>дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайди</i>
-	<i>ер-у кўкка ишонмайди</i>
-	<i>ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади (ер ёрилмади ерга кириб кетса)</i>
-	<i>алифни калтак деёлмайди</i>
-	<i>бели оғрмаган</i>
-	<i>ҳоли-жонига қўйма(й)ди</i>

Кўриниб турибдики, айрим фразеологизмлар фақат ўтган замон шакли билан келганда, зидланиш хусусиятини йўқотади, ўтган замон шакллари равишдош ва сифатдош шакллари билан дистрибуция қилинганда ва ҳали лексемаси билан аддитив трансформацияга учраганда, бўлишли ва бўлишсизлик белгисига кўра оппозиция тикланади. Жумладан:

Бўлишли шакл	Бўлишсиз шакл
<i>дунёга келиб</i>	<i>(ҳали) дунёга келмай (туриб)</i> <i>(ҳали) дунёга келмаган</i>
<i>бошидан кечириб</i>	<i>(ҳали) бошидан кечирмай (туриб)</i> <i>(ҳали) бошидан кечирмаган</i>
<i>бой бериб</i>	<i>(ҳали) бой бермай (туриб)</i> <i>(ҳали) бой бермаган</i>

Фразеологизмларнинг бўлишсиз шакли –ма аффиксидан ташқари йўқ ва эмас сўзлари орқали ҳам ифодаланади. Кейинги инкор воситалар фразеологик бирликнинг таянч компоненти ўтган замон сифатдоши шакли билан ифодаланганда қўлланилади.

Масалан:

Бўлишлишакл	Бўлишсизшакл
<i>бошидан кечирган</i>	<i>бошидан кечиргани йўқ</i> <i>бошидан кечирган эмас</i>
<i>дунёга келган</i>	<i>дунёга келгани йўқ</i> <i>дунёга келган эмас</i>

ТИЛШУНОСЛИК

<i>бой берган</i>	<i>бой бергани йўқ</i> <i>бой берган эмас</i>
-------------------	--

Бўлишсизлик шакллари тизими худди феъллардаги каби бўлишсизлик парадигмасини ҳосил қилади. Парадигма аъзолари бир умумий маъно асосида бир парадигмага бирлашса ҳам, лекин улар бир парадигма ичида маълум дифференциал семалар асосида фарқланади. Хусусан, *эмас* ва *йўқ* кўрсаткичлари феъл фразеологизмларга кўшилиб, фразеологизмни предикативлаштиради, гапда кесим позициясига хослайди. Ана шу хусусияти билан фразеологизмнинг *–ма* шаклидан фарқ қилади.

Эмас ва *йўқ* шакллари ҳам, гарчи предикативлаштириш белгисига кўра умумийликни ҳосил қилса-да, лекин ўз ичида бир-биридан нозик хусусиятлари орқали ўзаро фарқланади. *Йўқ* шакли эгалик кўшимчасини олган отлашган сифатдош шаклига кўшилиб,

шахс-сон бўйича ўзгариш отлашган сифатдош компонентида рўй беради. Масалан:

бой берганим йўқ
бой берганинг йўқ
бой бергани йўқ

Таянч компоненти сифатдошдан иборат фразеологизмларнинг бўлишсиз шакли *эмас* кўрсаткичи билан ифодаланганда, шахс-сон шакллари *эмас* кўрсаткичига кўшилади:

бой берган эмасман
бой берган эмассан
бой берган эмас

Бу ҳолатдан маълум бўладики, *йўқ* кўрсаткичи ўзи кўшилаётган компонентни отлаштириб, эгалик кўшимчаси билан ўзгартириб, унинг инкорини ифодалайди ва айрим ҳолларда *бор* шаклига зидлаши ҳам мумкин:

Тасдиқ шакли	Инкор шакли
<i>бой берганим бор</i>	<i>бой берганим йўқ</i>
<i>бой берганинг бор</i>	<i>бой берганинг йўқ</i>
<i>бой бергани бор</i>	<i>бой бергани йўқ</i>

Этимологик бундай симметрик зидланиш зидланувчилардан тасдиқ аъзосининг аста-секин функционал кучсизлана бориши натижасида майдонга келган.

Шундай қилиб, айрим фразеологизмлар фақат бўлишли ёки бўлишсиз шаклда қўлланилиб, бўлишли-бўлишсизлик белгисига кўра оппозицияга киришиш хусусиятини йўқотади. Агар фразеологик бирлик таркибидаги бўлишсизлик шакли олиб ташланса, яъни фразеологизм бўлишсизлик кўрсаткичини тушириш йўли билан трансформация қилинганда, фразеологизмлик хусусиятини йўқотиб, эркин бирикмага айланади. Жумладан, *боши чиқмади – боши чиқди*.

Бу шуни кўрсатадики, фразеологик бирлик таркибидаги грамматик кўрсаткичлар

ҳам фразеологизм учун муҳим роль ўйнаши мумкин. Шунга кўра, фразеологик бирлик таркибидаги грамматик кўрсаткичларни фразеологик муҳим ва фразеологик номуҳим турларга ажратиш лозим бўлади. Фразеологик муҳим бўлган кўрсаткичлар фразеологизмни шакллантирувчи восита саналади. Шунинг учун бундай воситаларни фразеологик дериватлар сифатида баҳолаш мумкин бўлади. Худди лексик деривацияда дериватлар бир лексемадан бошқа бир лексемани ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлганидек, фразеологик деривацияда ҳам фразеологик дериват ёрдамида эркин бирикмадан барқарор бирикма ҳосил қилинади.

Адабиётлар:

1. Тихонов А.Н., Ходжаев Т.Х. О грамматической природе глагольных фразеологизмов в узбекском языке // Вопросы фразеологии и грамматического строя языков. –Т.: Фан, 1967.
2. Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1963 йил, 4-сон. - Б.32-36.
3. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. – Самарқанд, 2007.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).